



**Жиноят процессида гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш
тизимини такомиллаштириш истиқболлари**

**Перспективы совершенствования системы применения меры
пресечения в виде залога в уголовном процессе**

**Prospects for improvement of the system of using a precautionary
measure in the form of bail in the criminal process**

Абдурахмонов Тошимурод Дилмураджон ўгли,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги Академияси

3-ўқув курси 324-гуруҳ курсанти

Аннотация: Мазкур мақолада эҳтиёт чораси, эҳтиёт чорасининг мақсади шунингдек “гаров”, “гаров эҳтиёт чораси” каби тушунчалар илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиниб, эҳтиёт чораларининг ўзига хос ҳусусиятлари, ҳозирги вақтда суд-тергов амалиётида гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши билан боғлиқ юзага келаётган айрим масалалар муҳокама қилинган. Шунингдек, суд-тергов амалиётида гаров тарзиддаги эҳтиёт чораси реабилитация қилинган шахсларга мол-мулкларни қайтариб берииш тартиби, гаров тарзидаги эҳтиёт чорасининг қўллаши асосларини такомиллаштириши борасида таклиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: реабилитация, гаров, эҳтиёт чораси, маблағ, буюм, қимматбаҳо, чора-тадбир, айблов, оқлов.

Аннотация: В данной статье научно сопоставляются меры предосторожности, цель мер предосторожности, а также такие понятия, как «залог», «залоговая мера пресечения», обсуждаются особенности мер предосторожности, а также некоторые вопросы, возникающие в связи с применением. Обсуждаются меры пресечения в виде залога в современной судебной следственной практике. Также в практику судебного расследования



внесены предложения и рекомендации относительно порядка возвращения имущества лицам, реабилитированным с применением меры пресечения в виде залога, а также совершенствования принципов применения меры пресечения в виде залога.

Ключевые слова: реабилитация, залог, меры пресечения, средства, товары, ценности, меры, обвинения, оправдания.

Annotation: In this article, precautionary measures, the purpose of precautionary measures, as well as concepts such as "bail", "bailable precautionary measure" are scientifically compared, specific features of precautionary measures are discussed, and some issues arising in connection with the use of precautionary measures in the form of bail in the current judicial investigation practice are discussed. Also, proposals and recommendations were made in the judicial investigation practice regarding the procedure for returning property to persons who have been rehabilitated by a precautionary measure in the form of bail, as well as improving the principles of applying a precautionary measure in the form of bail.

Key words: rehabilitation, bail, precautionary measures, funds, goods, valuables, measures, accusations, excuses.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари хуқукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, ҳалқ осойишталиги ва фаравон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратишга, ҳалқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгалашига қаратилган комплекс чоратадбирлар амалга оширишга қаратилган. Бундан кўзланган мақсадлардан бири бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс хуқуки, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хуқуқ тизимини янада изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан, суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини



самарадорлигини кучайтириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда конун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармоги бўлиб, мазкур фармондан кўзланган мақсад суриштирув, тергов ва суд жараёнида жиноят содир этишда айбланаётган шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш ушбу тоифадаги шахсларнинг асоссиз хуқуқларнинг чекланишларига йўл қўймаслик учун эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва тартибига қаътий риоя қилинишини таъминлашдан иборатdir.

Эҳтиёт чораси - Бу айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолияти чек қўйиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида суруштирувчи терговчи прокурор ва суд томонидан қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонунчилигига ушбу эҳтиёт чораларининг қуидаги турлари мавжуд:¹ 1) муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; 2) шахсий кафиллик; 3) жамот бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; 4) гаров; 5) уй қамоги; 6) қамоқقا олиш. Ушбу эҳтиёт чоралари шахснинг ёки у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига қараб белгиланади. Бунда суриштирувчи, терговчи жиноят ишининг ҳолатига қараб, ушбу эҳтиёт чораларини мос равища танлаб гумон қилинувчи, айбланувчига белгилаб беради. Эҳтиёт чораси ҳақида илмий изланишлар олиб борган олимлардан П. Р. Митникнинг фикрига кўра, гаров эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадига агар гаров миқдори айбланувчининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси -2024



ўзи томонидан қўйилган бўлса, унинг моддий манфаатларига таъсир этиш, агарда гаров учинчи шахс томонидан тақдим этилганда, айбланувчи унинг ортиқча ҳаражат қилишини ҳоҳламаслиги натижасида з иммасидаги мажбуриятларни бажаришга маънавий таъсир этиш усуллари орқали эришилади². Шунингдек, Б. Б. Булатовнинг фикрича, гаров нафақат эҳтиёт чораси, балки жиноят-процессуал мажбурлов чораси сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Яъни бошқа эҳтиёт чораси бузилиши натижасида гаров қўлланилганида гаров, кўриниб турганидек, жиноят-процессуал жавобгарлик сифатида белгиланади³.

Ушбу эҳтиёт чорасини танлаш вақтида суриштирувчи, терговчи вазиятни тўғри баҳолай олиши лозим бўлади. Баъзи ҳолларда жиноят содир этган шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашда айбнинг оғирлиги муҳим аҳамият касб этса, бошқа ҳолларда ушбу шахснинг ёши, соғлиги, оилавий аҳволи, машғулот тури муҳим ўрин тутади. Бунда фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш принципининг долзарблигининг аҳамияти яққол кўзга ташланади. Вақт ўтиши билан Жиноят ва Жиноят процессуал қонунларни янгилаб, замон талабларига мослаштириб, ўзгартириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, сабаби ҳозирги кунда жиноят содир этишнинг замонавий усуллари, уларни тергов қилиш амалиётини янгича ёндашиш асосида ташкил қилишни талаб этмоқда. Шу мақсадда дастлабки терговда жиноятни тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсни фош қилиш ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, жиноятни бартараф этиш, уни содир этилишига ёрдам берувчи сабаб ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш, шунингдек жиноят туфайли етказилган заарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўришни ўз вақтида ва қонуний ташкил

²Миткин П. Залог как мера пресечения // Юстиция Беларуси. – 2001.

³ Каранг: Булатов Б.Б. Эффективность мер пресечения, не связанных с содержанием под стражей. – Омск, 1984. – С.12–13.



этишни талаб қилмоқда. Эҳтиёт чораларининг турларидан бири ҳисобланган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси, мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби туфайли ҳозирда тергов амалиётида баъзи муаммоли ҳолатлар учраб турибди. Гаров тарзидаги эҳтиёт чораси гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан суриштирув, дастлабки тергов органининг ёхуд суднинг депозит ҳисобварағига топшириладиган пул маблағидан ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин. Гаров суммаси базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма бараваридан кам бўлиши мумкин эмас. Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айловнинг оғирлигини, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкий аҳволини ҳамда унинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан муносабатларини инобатга олган ҳолда тергов ёки суд зарурияти тугагаунига қадар қўллаган органнинг депозит ҳисобида турадиган эҳтиёт чораси ҳисобланади.

Ўзбекситон Республикаси ЖПКнинг 249-моддасида Гаров бўйича қўйилган пул суммасининг агар жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс реабилитация этилиб оқланган тақдирда ва эҳтиёт чораси қўлланилган муддат оралиғида инфляция даражасини эътиборга олиб оқланган шахсга нисбатан қўллаган органнинг депозит ҳисобида турган гаров суммасини амалдаги мавжуд инфляция даражасини ҳисобга олиб қайтариш механизми ёритиб ўтилмаган. Ва бу ҳолатлар реабилитация қилинган шахсларнинг ҳам маънавий томондан ҳам моддий томонидан заарар етказилиш оқибатлари учраб турибди. Мазкур масала юзасидан агарда қонунчиликка қўйидаги тарзда татбиқ этсак Ўзбекситон Республикаси ЖПКнинг 249-моддаси 2-қисмiga Гаров бўйича қўйилган пул суммасининг агар жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга



жалб қилинган шахс реабилитация этилиб оқланса ушбу шахснинг гаровга қўйилган мол-мулк ва бошқа қимматликлари инфлатция даражасини эътиборга олиниб депозит қўйган орган томонидан қайтарилиш механизмини жорий етсак, келгусида реабилитайия қилинган шахсларнинг моддий ва маънавий зарар кўриш ҳолатлари ҳамда мазкур турдаги эҳтиёт чорасининг қонунга хилоф равишда қўлланилиш ҳолатларининг ҳам албатта камайишига хизмат қиласди.

Ушбу норманинг амалга тадбиқ этилиши ҳозирги кунда олиб борилаётган ҳар бир ислоҳотларнинг туб замирида инсон қадри ётиши керак деган тамойилнинг амалдагаи ифодаси бўлади деб ўйлайман, сабаби фуқароларимиз тергов ёки суд идоларининг депозит ҳисобига қўйган мол-мулкларидан фойдаланиш натижасида маълум бир манфаат ва ёйинки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб жамиятимизга фойда келтирган бўлар эди. Авваламбор эҳтиёт чорасининг қўлланилиши шахсга жазо чораси ёки айборлик масаласини ҳал қилмайди, фақатгина тергов ва суд зарураяти вужудга келганлиги боис шахснинг хуқуқлари ва эркинликларини маълум муддат давомида чеклаб турадиган жиноий-процессуал норма ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
4. Жиноят процессуал хуқуқи дарслик ИИВ Академияси 2021 Т.
5. Жиноят процессуал хуқуқи дарслик ЖХУ 2022 Т.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлар тўплами 2022 Т.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagi “Jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-3723-son qarori.



8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-noyabrdagi “Sud-tergov faoliyatida fuqarolarning huquq va erkinliklari kafolatlarini kuchaytirish bo‘yicha qo‘sishimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” PF-5268-son farmoni.
9. П. Миткин Залог как мера пресечения // Юстиция Беларуси. – 2001.
10. Б.Б. Булатов Эффективность мер пресечения, не связанных с содержанием под стражей. – Омск, 1984.

Электрон манбалар:

- 1.<https://lex.uz/>
- 2.<https://ziyonet.uz/>
- 3.<http://pravo.gov.ru/>
- 4.<http://www.juvenilejustice.ru/>
- 5.[https:// legalaidnyc.org](https://legalaidnyc.org)